




ЭНГ УЛУГ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ



● Махбуба РАХМАТУЛЛАЕВА, кимё фанлари номзоди:

уйим деб, ўз маҳаллам деб, она-Ватаним, озод ва обод юртим деб ёниб яшаса, Мустақиллигимиз яна-

га берилаётган эътибор, олиб борилаётган ишлар истиқлолимиз туфайлидир. Чунки маҳалла илга-

ИФТИХОР

Тошкентнинг текис ва раvon кўчаларида қад кўтарайтган осмонўпар биноларни, бирин-кетин бағрига минглаб ёшларни қабул қилаётган лицей ва касб-хўнар коллежлари, янги замонавий техник асбоблар билан жиҳозланаётган олий ўқув юртиларида миллий гоани онларига сингдириб, чет элларда сабоқ олаётган ёшларнинг билимга чанқоқ кўзларини кўрган, сўзларини эшитган сари дилинг яйраб, бағринг қунаб, буларнинг ҳаммаси Мустақиллигимиз шарофати эканлигини яна ва яна бир бор ҳис қиласан киши.

да мустаҳкам, юртимиз янада обод бўлади.

● Бахром ИСОҚЖОНОВ, Сергели тумани «Кўшкўрғон» маҳалласи оқсоқоли:

— Бугунги маҳаллалар-

ритдан мөхр-оқибат маскани бўлиб келган. Миллий урф-одатларимиз, шарқона кадрятларимиз ана шу маскандан сайқал топган. Мана Мустақиллик туфайли ана шу одат ва анъаналаримиз янада



Тошкентлик қурувчилар ҳам энг улуг ва энг азиз байрамга муносиб тўёнлар тайёрлашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида

Бозорларда савдони ташкил этишни такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш ва сотувчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш, бозорларнинг моддий негизини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бозорларни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва улар фаолиятини ташкил этиш тартибини тўғрисидаги низоми тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда:

 - республиканинг барча минтақаларида тўсатдан назорат текширувлари ўтказиш йўли билан бозорлардан маҳаллий бюджетга тушумлар йиғини мониторингини ҳар чоракда ўтказсин;
 - савдо жойи берилганлиги ва бозорлар томонидан кўрсатилган хизматлар учун патта тўлови тулганлиги тўғрисидаги квитанция-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарларини импорт қилиш ва сотишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ички истеъмол бозорини ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари билан (асосан республикада ишлаб чиқарилмайдиган товарлар билан) ишончли ва узлуқсиз таъминлаш, уларни импорт бўйича келтириш ҳамда давлат эҳтиёжлари учун ва аҳолига сотишнинг таъсирчан механизмни яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг 20 миллион АҚШ долларига тенг бўлган миқдорда устав жамғармасига эга бўлган «Ўзбекиқовқаттаъминот» иттифослаштирилган давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.
- «Ўзбекиқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компаниясида давлат ресурсларининг тасдиқланадиган балансларига мувофиқ қанда-шаклар, ўсимлик мойи ва бошқа ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарларини импорт бўйича марказлаштирилган тартибда харид қилиш ва кейинчалик ички истеъмол бозорига сотиш йўли билан аҳолини ва давлат эҳтиёжларини улар билан ишончли таъминлаш функцияси юксалсин.
2. Қуйидагилар «Ўзбекиқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

(Давоми 2-бетда).

Ҳарбий операция давом этмоқда

САРИОСИЁ. (ЎЗА мухбирлари Муслимон Намозов ва Чори Тўхтаев хабар қилади). Сарисосиё ва Узун туманларнинг тоғли ҳудудларида халқаро террорчилар гуруҳини тугатиш бора-сидаги операция режага биноан давом этмоқда. Колган-кутган террорчилар бекинб олган горлардан чиқибга мажбур бўлмоқда. Сабоби — террорчиларнинг радиосўзлашувларидан маълум бўлмоқдаки, уларнинг озиқ-овқати тугаган, яра-

дорлари учун дори-дармон етишмапти, қўмилмаган мурдаларнинг қўланса ҳидидан горда туриш мумкин бўлмай қолган.

Шу боис душман яшириниши мумкин бўлган жойлар зенит тўплари, миномётлар ва ҳаводан бомбардирмон қилинмоқда. Қўшинларимизнинг барча ҳаракати аскарларимиз орасидан қурбонлар бермасликка қаратилган. Жангларда бевосита иштирок этаётган аскар ва зобитларнинг руҳи тетик. Тозалаш

тадбирлари давом этаётган ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳоли паства кўчирилмоқда. Кўчириш ишларини Факулдада вазиетлар вазирлигининг (ФВВ) Сурхондарё вилоят бошқармаси режага асосан ташкил этган. Кўчирилганлар ҳозирча Сарисосиё ва Узун туманларидаги маҳсул гўшаларга жойлаштирилмоқда. ФВВ ходимлари маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда кўчирилганларни иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминлади. Тиббий назорат ташкил этилган. Узаро суҳбатларда кишилар халқнинг тинч ҳаётини нотинч қилган террорчиларга нисбатан қаҳру газабини билдирди.

Оғоҳликка даъват 15 август кунини Сарисосиё туман ҳокимлигида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишининг бош мавзуси бўлди. Йиғилишда сўзга чиққанлар террорчиларнинг бошқарилмаётган ҳаракатларини кескин қораладилар, мамлакатимиз тинчлиги ва оқсоқилларнинг эрта-индин мағлуб

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикасининг Суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Суд тизимининг демократик асосларини ислоҳ қилиш ва янада чуқурлаштириш, суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқишини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қарорларини янада кучайтириш ҳамда судларнинг иختисослаштирувни амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунига асосан:

1. Умумий юрисдикция судларининг тузилмаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тузилиши ҳамда штат бирлигининг сони тасдиқлансин.
2. 2001 йилнинг 1 январидан мавжуд умумий юрисдикция судлари негизда:

 - Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судлари ташкил қилинсин ҳамда уларнинг тузилиши ва штат бирликларининг сони тасдиқлансин;
 - Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) жиноят ишлари бўйича судлари ташкил қилинсин ҳамда уларнинг тузилиши ва штат бирликларининг сони тасдиқлансин.
 - Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:
 - Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судлари — суд раиси, раис ўринбосари, судьялардан иборат бўлиб, ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, кассация ва назорат тартибда кўриб чиқадилар;
 - туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судлари — суд раиси ва судьялардан иборат бўлиб, қонун билан уларнинг ваколатига тааллуқли бўлган фуқаролик ишларини кўриб чиқадилар;
 - Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судлари — суд раиси, раис ўринбосари, судьялар, халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлиб, ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, кассация ва назорат тартибда кўриб чиқадилар;
 - туман (шаҳар) жиноят ишлари бўйича судлари — суд раиси, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлиб, қонун билан уларнинг ваколатига тааллуқли бўлган жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.
 - Фуқаролик ишлари бўйича судларга Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига кўзда тутилган барча ишлар тааллуқлидир.
 - Жиноят ишлари бўйича судларга Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексига кўзда тутилган барча ишлар ҳамда амалдаги қонун бўйича судларнинг иш юритувига ўтказилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.
 - Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг, шунингдек ҳарбий судларнинг фаолияти устидан суд назоратини амалга оширадир.
 - Белгилаб қўйилсинки, умумий юрисдикция судларининг судьяларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тайинлаш (сайлаш) қонунда ўрнатилган тартибга мувофиқ амалга оширилади.
 - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

 - амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчаларни киритиш тўғрисида; судларни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш ҳақида таклифлар киритсин.
 - Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ҳ. Комилов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 14 август.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг хабари

Ўзбекистон жанубий сарҳадларидаги вазиетнинг кескинлашуви ҳамда қўрувчилик ҳаракатларини содир этишга интилушларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18-19 август кунлари Қримда ўтказилиши мўлжалланаётган МДҲ мамлакатлари раҳбарлари учрашувида қатнашиш имконини топмади. (9ЗА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ватанимиз хавфсизлиги, сарҳадларимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига давлат томонидан ёрдам кўрсатиш тўғрисида

Мамлакатимизнинг жанубий чегаралари орқали юртимизга суқилиб қирмоқчи бўлган террорчи-жангарилар гуруҳига қарши курашда жасорат ва матонат кўрсатиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига, оилаларига, ёру биродарларига ҳуқуқимиз, бутун халқимиз номидан яна бир бор чуқур таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдириб, уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Молия вазирликлари биргаликда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва идоравий меъёрий ҳужжатларига мувофиқ, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига тўланадиган лозим бўлган маблағларни тезкорлик билан етказиб беришни таъминласин. Шунингдек, «Кафолат» сугурта компанияси белгиланган тартибда сугурта тўловларини амалга оширсин.
2. Ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг ҳар бирига қўшимча моддий ёрдам тариқасида Вазирлар Маҳкамаси захира фондидан бир миллион сўм миқдорда моддий ёрдам пули тўлансин. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу ёрдам пулининг тўланагини таъминласин.
3. Маҳаллий ҳокимлик идоралари:

 - ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг турмуш шароити ва аҳтёбидан келиб чиқиб, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан зарур ёрдам чораларини кўрсин;
 - ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг номларини абадийлаштириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2000 йил 15 август.

ОНА-ЮРТ ФИДОЙИЛАРИ ҚАЛБИМИЗДА МАНГУ ЯШАЙДИ

Бугун қалбларимиз гуссага тўлди. Вужудимизни камраган ғам-алам кўз ёш бўлиб тўқилади. Ҳали ҳаётдан умиди кўп бўлган беш ўғлонимизни ўз қонига олган шафқатсиз ўлимдан юраклар титрамоқда. Ватан ҳимояси йўлида жон фидо қилган марду майдонларимиз Алишер Салимов, Сайёржон Садинов, Бобуржон Ғаниев, Маъруфжон Ражабов ва Улғабек Барноевларнинг дийдорига тўлганмишдан армондамиз. Бинобарин, инсон зоти бир дона гулни авайлаб ўстиргунча қанча куйиб пишади. Ахир сиз гул эмас, тирик жон эдингизку, жигаргўшаларимиз!

Биламиз. Сизга отилган ўқ аслида бизга қаратилган эди. Сиз унга ўзингизни қалқон этиб, бизни бало-қазолардан асраб қолдингиз. Хонадонларимиз, оиламиз, мустақил халқимиз тинч бўлсин дея, ўз жонингизни ўққа тутдингиз. Йиллар ўтар, сизнинг она-Ватанга, халқингизга бўлган бу фидойилигингиз унутилмайди. Сизнинг жасоратингиз, қаҳрамонлигингиздан ёшлар ўрнак олади.

Укажонларим, бугун сизнинг номингизни қайта-қайта тилга олгимиз келади, чунки сиз матонат мардлингиз билан шунга лойиксиз.

Эндигина 23 баҳорни қаршилаган, исминг жисмингга хўп монанд АЛИШЕР азизгинам, ҳали чимилдиқ кўрмай, махбуба кулгисини эшитмай, Ватан тинчлиги ва оқсоқиллиги йўлида жон фидо қилганингни сўз билан ифода этиб бўладими ўзи? Сен сўнгги бор қадрдон шаҳринг Янгиерда бўлганин бутун оиланг ёдида. Ушунда сен она-жонинг Нортोजи ая билан хайрлаша туриб «Онажоним, яхши қолинг», деган эдинг. Бу сўнгги сўзинг онанг ёдида бир умрга муҳрланиб қоладиган бўлди.

САЙЁРЖОН, укажоним. Ватанимиз тўпругига манфур кимсаларнинг овғи тегиши билан дарҳол она-юрт ҳимоясига отландинг. Шўм қадам ёв билан мардларча олишдинг. Бироқ, бунисини айтишга тили ожиз. Сендек жасоратли ватанпарвар йигитнинг ўлими ҳақидаги хабар бизни дахшатга солди.

БОБУРЖОН, жигаргўшам. Қуни кеча телеэкранда сенинг дафн маросимингга бағишланган эшиттиришини кўриб, кўзларимиздан шашқатор ёш оқди. Онанг Мунавварон аянинг «Ўғлимга берган оқ сутимга розиман. У Ватаним, халқини ҳимоя қилиб жонини фидо қилди», деган сўзлари ҳамон кўзларимизни остида жарангламоқда. Сендан она рози, демак худо рози.

МАЪРУФЖОН, укажоним. Шу йилнинг 10 август кунини сенинг ота-онанг учун энг оғир кун бўлди. Сенинг тинч аҳоли ҳаётига таҳдид солишга уринган халқаро террорчилар билан бўлган жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлганинг ҳақидаги хабар нафақат бизни, балки ота-онангни, балки Булунгур туманидаги Бешқўтон кишлоғи барча ахлини ларзага солди. Бешафқат ўлим ҳаётдан ҳали умиди кўп бўлган сендек ўғлонни ўз домига тортиди. Бу дахшатли фожиага ким ҳам чидайди, ким? Қўнглимизга бир нарса таскин беради ҳолос. У ҳам бўлса сен беҳуда ҳалок бўлганинг йўқ. Ватанимиз, халқимизни қорига умрингни охиригача ярадинг.

Каттақўрғонлик жигаргўшам УЛУҒБЕКНИНГ армонлари аса ўзи билан кетди. Ота-она, қариндош-уруғ қалбиди ўчмас дард қолди. Қиянқидоғина Сабоҳат опа келин тушириш ниятида ўлими қистовга олган эди. Улуғбек аса машуқасига қўнғироқ қилиб, тез орада тўйлари бўлишини айтган эди-да.

Сиз эй, беҳ қаҳрамон биродарларим, Сиз ҳақингизда ҳар қанча ёзсақ, мадҳингизга марсиялар битсақ оз. Лекин мотамсара қўнғилимизга паршонлик уруги сочилиган. Воқеалар гирдоби фикримизни бир жойга жамлаша имкон бермапти.

Укажонларим, безовта руҳингиз тинч ором топсин, деган истакла сизни ишонтириб айтадиган гапимиз шуки, тоғлардаги оқ бўриларнинг барчаси эрта-индин даф этилади. Бунга қудратимиз етмади. Лекин бу бизнинг хотиржам ўтиришимиз учун асос бўлолмайди. Токи Мустақиллигимизни, тараққиёт сари дадил оқимлаётганимизни қўра олмайдиган ғанимлар бор экан, бизнинг бефарқ ва кўз-тибор бўлишга ҳақимиз йўқ. Чунки кўз ўнгимизда содир бўлаётган воқеалар ҳаммиша сергак ва оғоҳ бўлишимизга чорламоқда. Ахир ўз уйимиз, Ватанимиз тинчлиги, оқсоқиллигимизнинг мангу барқарор бўлиши бизнинг ақл-идрокимиз ва ҳушёрлигимизга боғлиқ-да, азизларим.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарларини импорт қилиш ва сотишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

аҳоли, ижтимоий соҳа муассасалари, махсус истеъмолчилар ва sanoat йули билан қайта ишлаш учун қанд-шакарга ва импорт бўйича келтириладиган мажбурий турдаги бошқа ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарларига бўлган ортиқча мунтазам ўрганиш;

қанд-шакар ва импорт бўйича келтириладиган бошқа ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарларини улгуржи-чакана савдо шохбаси орқали сотишни пухта ташкил этиш ҳисобига республиканинг бутун ҳудудда аҳолини, ижтимоий соҳа муассасалари ва махсус истеъмолчиларни улар билан ишончли ва узлуksиз таъминлаш;

қанд-шакар ва ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарларини ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган уларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш ресурсларининг моддий балансларига мувофиқ импорт бўйича марказлаштирилган тартибда харид қилиш;

зарур ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари хорижий валютага импорт бўйича харид қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган товарларни харид қилиш ва республика ташқарисида сотиш йўллари йилда;

қанд-шакар ва бошқа ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари тузилган импорт контрактлари мувофиқ республика минтақаларига ўз вақтида етказиб берилиши ва маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан белгиланган тақсимотта мувофиқ уларнинг чакана савдо корхоналарига етказилиши устидан мониторинг ўтказиш.

3. Ташкил этилаётган «Ўзоziқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компаниясининг устав жамғармасини қуйидаги улушларда шакллантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин:

26 фойз — давлат мулкни ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини бериш йули билан шакллантириладиган давлат улуши ҳисобига;

24 фойз — Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида хизмат кўрсатилаётган ҳудудни узлуksиз таъминлаш учун етарли бўлган оғир бинолари ва бошқа зарур инфратузилмани компаниянинг мулк этиб бериш йули билан Ўзбекистоннинг йирик улгуржи ва улгуржи-чакана савдо компанияларининг улушлари ҳисобига;

50 фойз — ишончли халқаро нуфузга ва Ўзбекистонда иш тажрибасига эга бўлган озиқ-овқат товарлари етказиб беришчи йирик хорижий компанияларнинг улушлари ҳисобига.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги бир ой муддатда озиқ-овқат товарлари етказиб беришчи етказчи хорижий компаниялар билан музокаралар олиб бориш ҳамда «Ўзоziқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компаниясининг хорижий муассисларини ва уларнинг устав жамғармасига улушларини аниқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Молия вазирлиги ҳамда манфаатдор идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда бир ҳафта муддатда республика ҳудудда ўз оғир биноларига эга бўлган улгуржи ва улгуржи-чакана савдо корхоналари орасидан компаниянинг Ўзбекистонлик муассисларини, шунингдек, «Ўзоziқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компаниясининг устав жамғармасига уларнинг улуши қатнашуви миқдорлари ва шакллари белгилансин.

6. «Ўзоziқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компанияси ва унинг марказий аппарати ташкилий тузилмаси маъқуллансин.

«Ўзоziқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компаниясига Бошқарув раисининг икки нафар ўринбосарига эга бўлишга рухсат берилин.

Белгилансинки, «Ўзоziқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компанияси Бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари Кузатувчи кенгаши томонидан тайинланадилар, кейинчалик Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадилар.

«Ўзоziқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компанияси Бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари мақомига, маншй таъминот ва тиббий ҳамда транспорт хизмати кўрсатиш шартларига кўра, тегишли равишда вазирга ва вазир ўринбосарига тенглаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ўзоziқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компанияси белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

8. «Ўзоziқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компанияси томонидан ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарларини импорт бўйича харид қилиш ва республика истеъмолчиларига сотиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жаҳон ва ички бозорларда ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари нархлари устидан мониторингни амалга оширсин

ҳамда «Ўзоziқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компанияси томонидан тузиладиган импорт контрактларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида, ваколатли банкда ва божхона органларида рўйхатдан ўтказишда ўз хулосаларини берсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ҳафта муддатда ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари етказиб беришга шартномалар тузиш учун ижтимоий соҳа муассасалари ва чакана савдо корхоналари жойлаштирилиши «Ўзоziқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компанияси эътиборига етказилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларни ҳимоя қилувчи қўмита, «Ўздаваҳири» бош бошқармаси ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари уларни ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг тасдиқланган балансларида назарда тутилган ҳажмларда импорт бўйича етказиб бериш юзасидан «Ўзоziқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компанияси билан шартномалар ўз вақтида тузилишини таъминласинлар.

12. «Ўзоziқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компанияси:

давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ўн кун муддатда ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари етказиб бериш юзасидан савдо корхоналари республиканинг бутун ҳудудда қанд-шакар, ўсимлик мойи ва бошқа ҳаётий муҳим озиқ-овқат товарлари савдоси билан аҳолининг тулиқ қамраб олиншини таъминлаш имконини берадиган этиб жойлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий соҳа муассасалари, махсус истеъмолчилар, чакана савдо корхоналари билан шартномалар тузилишини таъминласин;

«Ўздаваҳири» бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2000 йилда қанд-шакарни захирала сақлашнинг тегишли нормативлари ҳажмида давлат захирасига ғамлашни таъминласин;

аҳолини қанд-шакар билан кафолатли таъминлаш мақсадида 2000-2001 йилларда 20 минг тонна миқдорда йилдан-йилга ўтувчи сугурта фондини шаклландирсин.

13. Белгилансинки, қанд-шакардан sanoat эҳтиёжлари учун фойдаланувчи sanoat корхоналари қанд-шакарни мустақил равишда импорт қилдилар, ёхуд эҳтиёжлар миқдори унча кўп бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ушбу мақсадларда умумийлик квоталар доирасида етказиб бериш учун «Ўзоziқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компаниясининг ҳудудий бўлинмалари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузилдилар.

14. Қанд-шакар ва ўсимлик мойини sanoat йули билан қайта ишлаш мақсадида чакана савдо тармоғи орқали сотиш қатъий тақиқлансин.

Белгилансинки, қанд-шакар, ўсимлик мойи ва ун билан чакана ва улгуржи савдо қилиш қоидалари бузилганлиги, шунингдек, уларни республика ташқарисига олиб чиқиб кетишга уринилганлиги учун айбдор шахслар жиноий жавобгарликкача бўлган қатъий жавобгарликка тортилдилар, савдо корхоналари эса савдо қилиш ҳуқуқини беришчи руҳсатномалар маҳрум этилдилар.

15. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари билан кафолатли таъминлаш мақсадида:

ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари улгуржи-чакана савдосининг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига;

ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари нархларини шакллантириш нормаларининг асосланганлиги ва уларга риоя этилиши, улар нархларининг сунъий равишда оширилишига йўл қўймаслик устидан таъсирчан назоратни таъминлаш — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига;

аҳолини чакана савдо тармоғи орқали ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарлари билан узлуksиз таъминлаш устидан таъсирчан назоратни таъминлаш — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига;

қанд-шакар, ўсимлик мойи ва ун республика ташқарисига яширинча олиб чиқиб кетилишига йўл қўймаслик устидан таъсирчан назоратни таъминлаш — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига юклансин.

16. «Ўзоziқовқаттаъминот» давлат-акциядорлик компанияси Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдонидаги 5-уйга жойлаштирилсин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари П. Азимов ва М. Усмонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2000 йил 14 август.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНАБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра Бадриддин Насриев Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг йўналиши бўлиб ўтди.

Пул-кредит сиёсати бўйича Республика комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлисида пул муомаласини барқарорлаштириш ва уни тўғри ташкил этишга қаратилган ҳукумат қарорларининг қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Республика таълим марказида халқ таълими фаолларининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганлигининг уч йиллигига бағишланган кенгаш якуланди. Кенгаш якунида Халқ таълими вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида аграр ислохотларни янада чуқурлаштириш масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди.

Кеча Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Қорақалпоғистоннинг замонавий тасвирий санъати кўргазмаси очилди.

Ўтган куни бўлиб ўтган олий лига командаларининг навбатдаги тур учрашувида Тошкентнинг «Пахтакор» командаси Самарқанд майдон эгаларига қарши тўп суриб мусобақа ғолибларидан бири «Самарқанд-Динамо» командаси устидан 1:0 ҳисобида муҳим ғалабага эришди.

ЖАҲОНДА

Бугун Исроил Бош вазир Е. Баракнинг махсус вакили Якин Шарқ муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш масаласида Япония Бош вазир И. Мори билан учрашди.

Москвада Украина ҳукумат делегацияси иқтисодий-ённинг газ тармоғида икки мамлакат муносабатлари муаммолари юзасидан маслаҳатларни бошлади.

Кеча Хиндистонда миллий байрам — Мустақиллик куни нишонланди.

АҚШ авиацияси Ироқ ҳудудидаги ҳарбий иншоотларга яна зарба берди.

Яқинда истеъфога чиққан Дэвид Леви ўрнига Исроил ташқи ишлар вазири лавозимига мамлакат ижтимоий хавфсизлик вазири Шломо Бен-Ами тайинланди.

Расмий Пекин АҚШ Марказий разведка бошқармасининг «Покстон ракета яратишда Хитойдан ёрдам олмақда» деган айбловини кескин рад этди.

Хиндистон АҚШни Покстонни террорчи давлат деб эълон қилишга чакирди.

Мексиканинг янги сайланган Президенти Висенте

Фоксинг Жанубий Америка давлатлари бўйлаб қилган сафари ниҳоясига етди.

Ироқ Президенти Садам Ҳусайн Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилотининг (ОПЕК) сентябрь охирида Каракасда бўлиб ўтadиган саммитида иштирок этади.

Қирғизистон ҳукумати ҳукумат қўшинлари ислом жангариларини тоғик чегарасигача яширинишга мажбур қилганликлари ҳақида баёнот берди. Жангчилар қолган жангариларни қидирмоқдалар. Жанглар пайтида ҳукуматнинг 17 нафар ҳарбий хизматчиси ҳалок бўлди, 40 нафар жангари йўқ қилиб ташланди.

Филиппинда мамлакат армияси аскарлари билан насронийларнинг экстремист ҳаракати вакиллари ўртасида бўлиб ўтган отишмаларда 20 киши ҳалок бўлди.

Туркия полициячилари уффа равишда Ироқ ва Фаластиндан Европага ўтмоқчи бўлган юздан ортиқ одамни ушлади. Уларни манзилга етказиб қўйишни ўз зиммасига олган юк автомоби́ли хайдовчиси ҳибсга олинди.

Гамбия пойтахтида номаълум жиноятчилар «Радио-1ФМ» мустақил радиостанция биносига ўт қўйиб юборди.

Буюк Британия полициясининг террорчиларга қарши мамлакат пойтахти Лондонда ўтказган операцияси чоғида уч киши ҳибсга олинди.

Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Чжун томонидан эълон қилинган амнистия тўғрисидаги 36 мингдан зиёд ҳибсда сақланаётган кишилар озодликка чиқариладиган бўлди.

Кеча икки юз корейлик 50 йил мобайнида биринчи марта Корея яриморлидаги уруш тўғрисида уларни ажратилган яқинлари билан учрашдилар. Пхеньяндан Сеулга юз киши келди, Шимолий Кореяга эса юз нафар Жанубий корейликлар жўнаб кетишди.

Грознийда қуролланган тўрт нафар жангари қўлга олинди.

Шу йилнинг 13-21 сентябрь кўнлари Пхеньянда «Мустақиллик, тинчлик ва дўстлик» шиори остида қўшилмаслик ҳаракати аъзо давлатлар ҳамда ривожланаётган мамлакатларнинг еттинчи халқаро кинофестивали бўлиб ўтди.

Ун тўққиз йиллик танаффусдан сўнг Сурия билан Ироқ ўртасида темир йўл алоқаси тикланди.

Ироқнинг миллий кенгаши Кувайт ва Саудия Арабистонини Америка ва Буюк Британия самолётларига ўз базаларини бериб, Ироқ ҳудудига бомбалар ташлашга ёрдам берганликда айблади.

АҚШ гарбидаги ўрмонларда рўй берган ёнғинлар 360 миғ гектар ҳудудни ўз домига қамраб олди. Ўт ўчирувчилар ханузга қадар рўй берган вазиятдан чиқиб кета олмаптилар. Сўнгги хабарларга қараганда Канаданинг гарбида ҳам ана шундай ўрмондаги ёнғинлар қайд қилинган.

Непалда июнь ойи ўрталарида бошланган ёмғир ҳамон тингани йўқ. Ёгингарчилик оқибатида ҳозирга қадар юздан ортиқ одам ҳалок бўлди, миғлаб одамлар бошпанасиз қолди.

Ливан ҳарбий трибунали 42 кишини турли муддатда қамоқ ҳазосига ҳукм қилди. Улар исроилликлар билан тил бириктирилганликда айбланмоқда.

Хитой археологари юз миғ йил аввалги даврга оид тошдан ясалган меҳнат қуролларини топдилар.

Қурилиш


ЁРУФ ЮЗ БИЛАН

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида бунёд этилаётган «SOS — Болалар маҳалласи» қурилишида ҳам айни кўнларда иш қизғин. Бу ерда меҳнат қилаётган 250 нафардан зиёд қурувчи мустақиллигимизнинг 9 йиллиги тантаналарини ёруф юз билан қутиб олиш ниятида ғайрат кўрсатишмоқда.

Турли миллат вакиллари билан ташкил топган «SOS — Киндердорф Интернешнл» халқаро жамиятига қаршли «Қурилиш майдончаси — болалар қишлоқлари» қурилиш ташкилоти раҳбарлигидаги бунёдкорлар бригадалари вақтдан, қурилиш материалларидан унумли фойдаланиб ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилишмоқда.

— Бу қурилишни энг масъу

улиятлы объектлардан бири десак асло янглишмаймиз, — дейди катта иш юритувчи Шахрийёр Мирзабеков. — Шунинг учун ҳам бу ерда энг моҳир қурувчилар ишлашмоқда. Биз бунёд этаётган бу сўлим маскан, албатта бир маҳалла бўлади ва хонадонларда тарбия топадиган болалар маҳалла, оила, она, қариндош-уруғ нима эканлигини дилдан ҳис этиб яшай



дилар. Бугунги қилаётган ишимиз савоб иш, эзгуликка қўшилиётган ҳисса эканлигидан бунёдкорларимиз мамун.

Уз касбини шарафлаб меҳнат қилаётган Эржабой Чўлпонов, Сафар Отанбеков, Нурсайд Исабеков, Владимир Дубовскийлар алоҳида ғайрат кўрсатишмоқда. Соғлом авлод йилда 100 дан ортиқ болани ўз бағрига оладиган

Марат БОЙЗАКОВ, СУРАТЛАРДА: моҳир гишт терувчи Сергей Шербаков; қурувчилар меҳнати билан бунёд этилган бинолардан бири. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Ободонлаштириш ойлиғи

КУЧ-ҒАЙРАТ САРФЛАШМОҚДА

Энг улуг, энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллигини муносиб қутиб олиш ва нишонлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиғи пойтахтимизда ободонлаштириш ва санитар тозаланиш таъминлаш ойлигини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Ушбу ойлиқнинг қандай ўтаётгани, амалга оширилаётган ишлар самараси ҳақида шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси бош агрономи Лазоқат ИСЛОМОВА кўйндағиларни гапириб берди:

— Шахримиз чиройига чирой қўиш, унинг кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш, файзу тароват бағишлаш бошқармаси ходимларининг энг асосий вазифаларидандир. Айниқса, дистилляция тўқиланганлигидаги ишлар шодиданалари тобора яқинлашгаётган ушбу кўнларда куч-ғайратимизни ана шу асосий вазифамизни сидқидилдан бажаришга қаратганда. Шахримиз бош майдони, хиёбонларини, кўчаларини, майдонларини тароватини оширишда бизнинг ҳиссамиз ҳам катта бўлади.

Режа асосида амалга ошираётган ишларимиздан энг муҳими Мустақиллик майдонини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш амалга оширишдир. Айни кўнларда ишчи-хизматчиларимиз майдондаги дов-дарактларга шакл бериш, чиқиндилардан тозалаш, йўлчаларни ободонлаштириш, майсаларни тартибга солиш, турфа гуллар экиш каби ишларни амалга оширишмоқда. Яна энг масъулиятлы юмушларимиздан бири байрам тантаналари ўтадиган саҳна олдига 700 квадрат метрлик гулхона ташкил этишдир. 8 турдан гулдан 50 миғ түпи 9 рақами шаклида экилиб, ўз таровати билан саҳнага файз, иштирокчиларга завқ бағишлаши, шубҳасиз.

Шунингдек, пойтахтимизнинг Аҳмад Дониш ва Ҳусниддин Асомов кўчалари кесилган чорраҳада қад ростлаётган, байрам арафасида фойдаланишга топшириладиган улкан кўприк қурилиши майдонида 6 гектар жойда кўкаламзорлаштириш юмушларини бажармоқдамиз. Ушбу кўкаламзор майдонга хориж сислемасидаги сув пулқаччилар ҳам мутахассисларимиз томонидан ўрнатилмоқда. Шахримизда қурилаётган «Халқаро савдо ярмаркаси дов-дарактларга шакл бериш, чиқиндилардан тозалаш, йўлчаларни ободонлаштириш, майсаларни тартибга солиш, турфа гуллар экиш каби ишларни амалга оширишмоқда. Яна энг масъулиятлы юмушларимиздан бири байрам тантаналари ўтадиган саҳна олдига 700 квадрат метрлик гулхона ташкил этишдир. 8 турдан гулдан 50 миғ түпи 9 рақами шаклида экилиб, ўз таровати билан саҳнага файз, иштирокчиларга завқ бағишлаши, шубҳасиз.

Халқимиз дилда байрам арафасида эзгу ниятларини амалга оширишга ниятлаган ҳолда нафақат байрам арафасида, балки ҳаминча Шарқ маъъяли бўлган Тошкентимизни энг гузал ва обод, кўкаламзор бўлишига ҳисса қўиш ниятида. Пойтахтимиз кўрган кўзалар кўнларидан, мамлакатимиз аҳолиси фашрланидиган, хорижлик меҳмонлар хавас қилиб қадрладиган маскан бўлин. Жамоамиз аҳли ҳаминча ана шундай мақсад билан изланиб меҳнат қилмоқда. Шарифа ИЛЕСОВА ёзиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

маҳаллий бюджетга даромадлар тушуми прогнози икки ой давомида кетма-кет бажарилмаган тақдирда бозор бошқаруви раиси (директори) қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилган ҳолда эгаллаб турган лавозимидан озод қилинади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

бир ой муддатда бозорларда давлат солиқ хизмати органларининг таянч пунктларини ташкил этсин; бир ҳафта муддатда таянч пунктлари тўғрисидаги низомни тасдиқласин, унда инспекторлар сони

нормативи, уларни ҳар 3 ойда алмаштириш, йиғимлар тушуми тулиқлиги учун жавобгарлик даражасини назарда тутсин.

Белгилансинки, давлат солиқ хизматининг кўрсатиб ўтилган таянч пунктлари штагига кирмайдиган мансабдор шахсларига бозорлар фаолиятини устидан назоратни амалга ошириш тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган тўсатдан амалга ошириладиган назорат текширишлари бундан мустасно.

5. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда 2001 йил 1 январгача бўлган муддатда бозорларнинг таъсис ҳужжатлари мазкур

қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2000 йил 12 август.

Кўргазмалар

НОЁБ ЭКСПОНАТЛАР

Бугунги кунда музейларда халқимизнинг бой тарихини, мустақиллигимиз олимларини ўзида акс эттирган ноёб экспонатларни авайлаб-асраш, ўрганиш, дунё кўргазмаларида намойиш этиш борасида самарали фаолият олиб борилмоқда.


Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи директори, филология фанлари доктори, профессор Саидбек Хасанов билан суҳбатимиз Мустақиллик байрами арафасида музейда олиб борилган ишлар, тайёргарликлар ҳақида бўлди.

— Кейинги йилларда музейлар фаолиятига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 1991 йил Юртбошимиз қаролига биноан Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи мустақил илмий-маърифий муассаса сифатида фаолият кўрсата бошлади.

Истиқлолимиз шарофати ила музейда минг асрлик ўзбек адабиёти тарихини музей воситалари билан намойиш қилаётган тўрт қаватдан иборат экспозицияни қайтадан қўриб чиқиб, миллий мафкура талабларига жавоб берадиган даражага етказиш биринчи вазифамиз бўлди. Шу йиллар ичида адабиёт музейи коммунистик мафкура вақтида таъқиқ остига олинган ёки ижоди таъқиқлаб қўйилган ижодкорларни аниқлаб, улар ижодини янгитдан ёритиш, ёшларни халқимизни ўтмиш меросимиз тарихи билан мукамал таништириш, миллий ҳис-туйғуларини уйғотиш, истиқлол даврида эришилган ютуқларни оғли равишда тасаввур этишига қаратилган.

Хусусан, музейда Захриддин Мухаммад Бобур ижодида бағишланган кўргазма зали очилди. Унда Бобур ҳаёти ва ижодини тўлиқ намойиш қилиш билан бирга бизга қолдирган бой мероси тўлалигича шу кўргазма залида кўрсатилди. Айниқса шу йиллар давомида 20-йилларда қатъонга учраган шоир ва адибларнинг: Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўпон, Боту, Иброт, Йўлдош Сулаймон каби ўнлаб ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодини ёритиш, уларнинг мустақил тўзум қурбони бўлганликларини намойиш этувчи, катта аҳамиятга эга бўлган архив ҳужжатлари муаллифларнинг дастхатлари орқали намойиш қилинмоқда.

Адабиёт музейимизнинг шу йиллар давомида эришган



Ютуқларидан яна бири — ўзбек адабиёти тарихига оид илмий аҳамиятга молик манбаларни чуқур ўрганиб, уларни нашр этиш бўлди.

Нашр этиш ва илмий жиҳатдан ўрганиш мобайнида таъқиқ этилган асарларга ҳам катта эътибор қаратилди. Шундай тадқиқотлар мисолида Захриддин Мухаммад Бобурнинг «Рисолаи Фолбия», «Мубайиъин», Хувайиднинг «Роҳати дил» каби диний, ахлоқий мавзудаги асарлари нашр этилганлигини келтириб ўтиш мумкин.

Бу асарлар орқали халқимиз диний, ахлоқий бой меросимиз билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди. Йирик тадқиқотлар сирасига яна профессор Фозила Сулаймонованинг «Шарқ ва ғарб» номи билан нашр этилган илмий тадқиқотини эслатиб ўтиш мумкин. Бу асарда шарқ халқлари маданиятининг юксак даражада ривожланганлиги ва унинг ғарб халқлари маданиятига кўрсатган қўли таъсири ёрқин мисоллар орқали кўрсатиб берилган. Ушбу асарнинг шу кунларда рус тилидаги наشري устида ҳам иш олиб борилмоқда. Илмий тадқиқотлар ичида профессор Махбуба Қодированинг Нодира, Увайсий, Анбар отин ва Амирий ҳаёти ва ижо-



ди борасида олиб борган илмий изланишларининг натижаси сифатида ўнлаб нашрлар чоп этилди ва уларнинг аксарияти ўзининг янгилиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Адабиёт музейимизнинг яқин келажакдаги вазифалари улкан. Шулардан энг муҳимлари: энг қадими давр адабиёти залларини халқимизга муносиб равишда кўрсатиш, ўзбек адабиётининг жаҳон халқлари адабиётини ёритувчи залларини яратиш, энг муҳими, бир-икки йил ичида истиқлол даври адабиёти залларини кенг томошабинлар эътиборига ҳавола этиш, музей заллари орқали халқимизни, айниқса ёш авлодни бой меросимиздан баҳраманд этиш, уларда миллий ифтихор, Ватан тарихи адабиётини севиш, ўз юрти сиймолари ва даҳолари билан фахрланиш каби ҳис-туйғуларни шакллантиришга хизмат қилади.

Суҳбатдош ШОИРА МУХАМЕДОВА.

ШАРҚ ДУРДОЧЛАРИ

ОЗ ОЗ ЎЎТГАНДИ

Домо бўлур...

• Ҳар ким зулм ва жафо шамширини тортса, унга қарши ғазаб ва фитна ханжарини тортадилар.

Байт:
Эл ҳақида гофил бўлмагин асло,
Чуниқ, эл қўлида ўтирган ўзинг.
Сендан эл нимани кўрса, бир кунги,
Қайтариб кўради ўшани кўзинг.

• Ҳикмат. Бир киши Мусъаб бин Зобир олди-га келиб Аҳнаф ҳақида кўрқинчи, уйдирма гапларни гапирди. Мусъаб Аҳнафни қақиртириб келди ва унга хитоб қилиб, воқеани айтди. Аҳнаф уйдирмачи кишининг ёлғончилигини айтиб, ўзини оқлашга киришди. Мусъаб деди: «Унинг айтган гапларига адолат юзасидан қараганда ишончга лойиқдир». Аҳнаф унга деди: «Агар сенда ишонч ва адолат бўлганда ғийбатчининг сўзига қулоқ солмаган ва уни ҳайдаб чиқарган бўлардинг!»

Байт:
Одат бўлса ҳар кимга ғийбат,
Ниомлагин унга ҳеч қачон.
Ёмонласа биринчи сенга,
Ёмонлайди сени ҳам пинҳон.

• Кўлингдан яхшилик қилиш келмаса ёмонлик қилишдан қоч! Агар оғзингда яхши гаплар бўлмаса, тилингни ғийбат ва бўҳтон лойига булғашдан эҳтиёт қил!

Байт:
Яхшилик қилишга бўлмаса имкон,
Ёмонлик қилмагин, қайтар ўзингга.
Қўлоқлини ташлаб, дутфингни кўрсат,
Токи чўп тушмагачи соғом кўзингга.

Биронинг ғийбатин қилмагин асло,
Почорлик боқмагачи нури юзингга,
Ҳар қимга юмшоқ сўз гапиролмасанг,
Заҳар қўшмай сапир ҳар бир сўзингга.

Мухаммад ЖАБАЛУДИЙ.
• Эй биродар, билгинки, ўйламакдан гапиршидан кўнгулга озор етиши мумкин. Жимлик ва хо-мушлиқдан эса ҳеч қимга озор етмайди. Бу борада бир ҳикоятни нақл қиламиз.

Келтиришларича, Иброҳим Самарқандий бир куни бозорда ўтирар эди. Унинг олдида от сотиб олган киши отини етаклаб ўтиб қолди. Ўтирганлардан бири ундан:
— Эй биродар, отни қанчага олдинг? — деб сўради.

От сотиб олган киши:
— Фалончага, деб отнинг нархини айтди.
Отнинг қийматини сўраган киши унга ўйламакдан, бамайлихотир, дили ранжиши ҳақида ҳам мулоҳаза қилмасдан унга:
— Жуда қимматга олибсан, бу отнинг пулига арзимайди. Худди шу нархга бундан ҳам яхшироқ от сотиб олишинг мумкин эди! — деди.

Иброҳим Самарқандий унга:
— Нега аҳмоқона гапларни гапирясан?! Шу ўйламай гапирган гапинг билан бир неча гуноҳга йўл қўйдинг. Яъни, аввало сотувчини гоийбона ғийбат қилган «бўлдинг!» Кейин эса харидорнинг кўнгулини синдиридинг! Бундан ташқари «Тўрт оёқда от ҳам қоқилади» дейишган одамзот айбдан ҳоли эмас, у қанчалик тўла-тўқис иш қилса ҳам, бир ёғи кам бўлади. Ишни қанчалик пухта, мукамал бажаришга уринмасин барбир ўзига сезилмаган камчилиги ўзгаларга сезилади. Агар сен жим ўтириб, хомушлик йўлини тутганингда шунча ха-тога йўл қўйма эдинг! — деди.

Ҳалиги киши ўз қилмишидан, ўйламай гапирилган гапларидан хижолат бўлиб қолди.

• Улуғлар айтадиларки, олти пайтда одамнинг тили жим бўлмаса, ундай тилнинг борлигидан кўра соқов бўлмоқ афзалдир. Биринчи — кўп гапиршида, иккинчи — ёлғон ва бөҳуда қасам ичишда, учинчи — ҳамроҳларини ва даврадошларини уялтириб қўядиган бөҳуда ҳазил-мутойиба пайтида, тўртинчи — кишини ёмонлаб тилга олишда, бешинчи — бегона эрақлар орасида ўзгаларнинг хотини ҳақида гапиршида, олтинчи — ўзини бошқалардан юқори қўйиб мақтанаш пайтида!

Базургмеҳрдан сўрадилар:
— Эй доно ҳақим, киши учун энг яхши нарса нима?

У деди:
— Жим турмоқ! Бөҳуда гапиршидан кўра гапирмай турмоқ!
Яна сўрадилар:
— Агар у бўлмасачи?
Ҳақим деди:
— Агар у бўлмаса, киши учун адаб яхшидир!
Ундан яна сўрадилар:
— Агар адаб ҳам бўлмасачи?
Ҳақим жавоб берди:
— Ёқимли ҳулқ, одамлар билан очик юзли бўлиш, дўсту душман билан муроаса қилиш!
Яна ундан сўрадилар:
— Бу ҳислатлар ҳам бўлмасачи?
Ҳақим:
— У пайтда одамнинг ўлгани яхши — деб жавоб берди.

Мажидиддин ХАВОФИЙ.
Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.

Тошкент шаҳрининг марказида жойлашган Шайх Хованд Тахур макбараси фақат пойтахт — Тошкент халқигагина эмас, балки Ўзбекистон Республикаси қолаверса, Марказий Осиё халқлари учун ҳам муқаддас зиёратгоҳ сифатида маълум ва машҳурдир. Бу муқаддас ва эъзозли даргоҳ Тошкент шаҳрининг тўрт даҳасининг бири ҳисобланиб, қадимдан Шайх Хованд Тахур даҳаси деб аталган. Мустақиллик кўлга киритилгунга қадар бу даргоҳ жуда кўп тарихий воқеа-ҳодисаларни бошидан кечирди. «Рашахот айи ал-ҳаёт» («Ҳаёт булоқларидан оққан томчилар») номи асарда ёзилишича, Шайх Хованд Тахур илоҳиёт ва тарикат илмининг йирик намояндасидан бири бўлган. Шайх Хованд Тахурнинг асли Бўстонлик туманидаги Богистон қишлоғидан бўлиб, богистонлик машхур мутасаввиף Шайх Умар Богистонийнинг ўғлидир. Ул зот ўз замонасининг йирик мутасаввиףларидан бўлгани сабабли, Шайх Хованд Тахур илоҳиёт ва тарикат илмининг илк сабоқларини ўз падари бузрукворларидан олган. Шайх Умар Богистонийнинг насабномасига қараганда, ўн олти ота-бобо билан пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломдан кейин халифалик маснадига (урнига) ўтирган чаҳорёрларнинг (чаҳор ёрони босаф) иккинчиси — ҳазрат Умар ибн Хаттобга бориб туташаркан.

Буюк аждодларимиз

ШАЙХ ХОВАНД ТАХУР

«Рашахот-да ёзилишича, Шайх Умар Богистоний ўз ўғилларини Шайх Хованд Тахурга насихат тарзида ҳар дом — Тахур, мулло бўлма, сўфи бўлма, ундай бўлма, бундай бўлма, мусулмон бўли!» — дерканлар. Бу иборада қандай ҳикмат бор? Мазкур насихатдан мақсад, мусулмон бўлмоқ — халқ манфаатлари учун ишмоқ эканлигини, ёш Хованд Тахурнинг онига қўйиш бўлган.

Шайх Хованд Тахур ўша давр ислом оламида ўз йўналишига эга бўлган «Яс-навий» тарикати йўлидан бориб, мазкур тарикат мас-лақдошларидан бир неча-си билан мулоқотда бўлиб, фойдали йўл-йўриқлар олади. Ул зот кўп йиллар давомида бузруквор алло-малар мулозиматида бўлиб, илми зоҳирини ва илми бо-тиний сир-синоатларидан воқиф бўлади. Узининг ил-мий етуқлиги жиҳатидан қароматгўй алломалар ора-сида юксак мавқега эга бўлади.

Шайх Хованд Тахурнинг таваллуд толган йиллари ҳақида ҳозиргача манбалар-да аниқ маълумот учрама-ди. Аммо, ул муътабар зот-нини вафот этган йиллари-ни вафот этган йиллари-ни ҳақида ҳар ҳолда XIII-ас-рининг охирида таваллуд то-лган бўлсалар керак, деб тахмин қилса бўлади. «Ла-маҳот мин нафаҳот ал-қудс» номи асарда ривоят қилинишича, буюк аллома Шайх Умар Богистоний кўп

йиллар давомида фарзанд кўрмай, кўнлардан бир кун ўз завжайи муҳтарамалари билан бирга Имом Абубакр Қафқол Шойшининг муқад-дас макбаралари — ҳозирги Ҳазрат Имом макбарасига зи-ёратга келишиб, Оллоҳ-таол-ладан фарзанд ато этишини илтижо қилиб сўрашган экан. Шундан сўнг улар фарзанд кўришган экан. Бола туғил-гач, Шайх Умар Богистоний чақалоқ билан Имом Абубакр Қафқол Шойшининг макба-раларига яна зиёрат қилиш учун келганлар. Улар макба-рага яқинлашган ҳаммо мак-бара томига кўйиб ўтирган бир гала қабутарлар баравари-га ўчиб ҳавога қўтарилиш-ган. Уларнинг кўнларидан қочиб учинидан «Ат-тахур» деган овоз садоси янграган. Шайх Умар Богистоний бу овозни айтиши вақтида башорат деб би-либ, чақалоққа Хованд Тахур деб исм қўйган эканлар. Хо-

нинг энг муқаддас зиёрат-гоҳи, хайит, байрам ва сай-илларда тури-туман уйин-кулги ва кўнгул очар томо-шалар ўтказиладиган сай-илгоҳга айланган.

Мазкур зиёратгоҳ худ-дида бир неча масжидлар жойлашган бўлиб, қабри-стонга кираришда «Зан-жирлик» масжиди ҳамда Юнусхон макбарасининг ғарбида «Хотин» масжиди бўлган. Бундан ташқари 1908-1910 йиллар мобай-нида наманганлик Ҳожижат эшон номли киши томони-дан Шайх Хованд Тахур мак-бараси ёнига «Аврат» мас-жидини қурдилади. Шу-нингдек, зейр... «җа кир-авиришда атрофи баланд ва азамат дарахлар билан ўрланган «Лангар» номи катта ховуз ҳам бўлган.

Шайх Хованд Тахур худ-дида бир неча юз йиллик азамат чинорлар бўлиб, улар остида шийонлар, «ойхоналар, ҳар хил ши-ринлик ва тури-туман ма-толар билан савдо қиладиг-ан дўконлар, ошхоналар ҳамда томошабинлар учун махсус қурилган болахо-налар ҳам бўлган. Бинобарин, бу ерда анъанавий сайил-лар, байрамлар ўтказилиб, миллий уйинлар — дор, чо-дир ҳаёл (кўйроқ театри) ва масхарабоз-қизикчилар ўз санъат маҳоратларини намойиш этишарди.

1917 йилда бу муборақ зиёратгоҳга ҳам қизил ин-қилобнинг суронли тўфони етиб келади ва бу ерга жойлашган «Эшонкули мад-расаси» ёнида намойишлар бўлиб, митинг ўтказилади. Дарвоқе, мазкур «Эшонку-ли мадрасаси» 1884 йилдан бошлаб рус-тузем мактаби-га айлантирилади. Табарур зиёратгоҳ 1924 йилда ёпиб қўйилади. «Чиллахо-на» ва бошқа ишоотлар бузиб ташланади. «Эшонку-ли мадрасаси» биносига кинистудия кўйиб келади. Аммо, 1964 йили мазкур мадраса бутунлай бузиб ташланади. 1967 йилга ке-либ кутубхона вазифасини ўтаб турган «Хотин» масжи-ди ҳам бузиб ташланади. Шайх Хованд Тахур зиё-ратгоҳига ҳозирги Алишер Навоий номи катта кўча то-монидан тархи худди мад-раса дарвозаси шаклида ишланган мақобатли дарво-за орқали кирилади. Маз-кур дарвоза 1892 йили тош-кентлик уста Абдулрахим томонидан қурилган бўлиб, баланд пештоқли, ўзига хос гўмбазли, қўркам ва са-лобатли тарзда пишиқ гиш-дан қурилган эди. Дарво-занинг қўштабақали ёғоч эшигида Шарқ уймақорлик санъатининг сунги ютуқла-ри муҳассамлашган эди. Бироқ, Алишер Навоий номи кўчани кенгайти-ришда мазкур дарвозахона кўчанинг ўртасига тушиб қолган эди. Бинобарин, дарвозахонани бутунлай олиб ташлашга тўғри кела-ди ва олиб ташланади. Эн-диликда Шайх Хованд Та-хур зиёратгоҳидан фақат макбараларгина ёдгорлик бўлиб турибди.

Назм

ОНА ЮРТИ

ЎҒЛОНИМ ДЕДИ

Мустақиллик эшик қоқди,
Эрк қуёши нури сочди.
Юртга олам бағрин очди.
Сен унга нима бердинг?

Ватан сенга борин берди,
Замину туپроғин берди.
Соф ҳаво қуёшин берди.
Сен унга нима бердинг?

Элинг сени жоним деди,
Келаси авлодим деди,
Ҳам асради, авайлади
Сен унга нима бердинг?

Она юрт ўғломим деди,
Даромига дармоним деди,
Улғайтириб илм берди,
Сен унга нима бердинг?


Халқинг сени ардоқлади
Фалокатлардан сақлади,
Ёмон қунида йўқлади,
Сен унга нима бердинг?

Ота-онандур яратган,
Еб-ичирган оқ таратган
Сени жонидек яйратган
Сен унга нима бердинг?

Барча ишга бош йўлбошичи,
Тулаб тоиди эл қувончи.
Барча яшар бир жон бир таш,
Сен унга нима бердинг?

Олиш осон, бермоқдан кел,
Берсанларга жонингни бер.
Ўзбек эли шунда сени,
Менинг асл ўғломим дер.

Тақдир биздан нарида эмас,
Шеър ҳам ундан эмасдир ўзоқ.
Гуноҳимиз фақат ёру жон,
Ишқ ўтида ёлмоқлик, ёлмоқ.



Мен шу китобни ўқийман.
Равиль Альбеков олган сурат.

Турғун ФАЙЗИЕВ.

